

Парламент комиссиясининг
2022 йил 22 августдаги
23-сонли қарорнинг 1-иловаси
билин тасдиқланган

Давлат субсидиялари ажратишнинг тартиби ва шартлари тўғрисида Низом

1. Ушбу Низом қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
2. Ушбу Низом нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларирига давлат субсидияларини ажратиш тартиби ва шартларини белгилайди.

3. Давлат субсидиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ва юридик шахс бўлиб ҳисобланадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларирига (бундан бўён матнда фуқаролик жамияти институтлари деб юритилади) устав (низом)ларида белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий фойдали мақсадларга эришиш учун Парламент комиссияси қарорига асосан берилади.

4. Ушбу Низом Парламент комиссияси қарори билан тасдиқланади, унинг талаблари давлат субсидияси олишга талабгор барча фуқаролик жамияти институтлари учун мажбурийдир.

II. Давлат субсидиялари маблағларини шакллантириш

5. Давлат субсидиялари учун маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда қонунда белгиланган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

6. Давлат субсидиялари маблағлари ҳажми, Ўзбекистон Республикасининг макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва тасдиқлаш муддатларида Парламент комиссиясининг тақдимномасига биноан белгиланади.

7. Фуқаролик жамияти институтлари келгуси молия йилида қўллаб-кувватлаш талаб этиладиган фаолиятининг устувор йўналишларини, ўтказиладиган тадбирлар, шу жумладан хорижий ҳамкорлар билан ўтказиладиган тадбирлар сони, уларнинг мақсад ва вазифаларини, девонларини таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа харажатларини аниқлаб, давлат субсидияси бериш тўғрисида жорий молия йилининг 1 июнга қадар Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондига буюртмалар юборади.

8. Буюртманинг намунавий шакли ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланади. Буюртмада талабгор фаолиятининг устувор йўналишлари, вазифалари ва мақсадлари, таъсисчилар томонидан тасдиқланган иш режаларининг кўчирма нусхалари, давлат субсидияси талабгорининг жалб қиласидиган маблағлари манбалари ва миқдорлари аниқ кўрсатилади.

9. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Ижро девони келиб тушган буюртмаларни жорий молия йилининг 15 июняга қадар умумлаштиради.

10. Умумлаштирилган буюртмалар жорий молия йилининг 1 июлягача бўлган муддатда Парламент комиссияси томонидан ўрганиб чиқилади.

11. Парламент комиссияси ўрганиб чиқиши натижаларини ўз йиғилишида муҳокама қиласиди, давлат субсидияси ажратишнинг устувор йўналишлари, уларга ажратиладиган маблағлар ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари ҳамда бюджет сўровномасини ишлаб чиқиши тўғрисида қарор қиласиди.

12. Парламент комиссиясида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш тўғрисидаги бюджет сўровномаси тасдиқлангандан сўнг, лекин 15 июлдан кечиктирмасдан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бюджет сўровномасини киритади.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари лойиҳасига давлат субсидияси маблағларини киритиш, бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Давлат субсидиясига ажратилган маблағлари Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондида жамланади.

III. Давлат субсидияси маблағларининг тақсимланиши

16. Парламент комиссияси Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондидан фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари шаклида маблағларни тақсимлайди.

17. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди йил чоракларига тақсимланган ҳолда давлат субсидияси шаклида қўллаб-куватлаш ҳажмига мос равишда бир йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини ушбу Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган шаклда ишлаб чиқади.

18. Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг даромадлар ва харажатлар сметаси Парламент комиссияси йиғилишида кўриб чиқиб тасдиқланади.

IV. Давлат субсидияси ажратиш учун хужжатларни тақдим қилиш

19. Фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фондига куйидаги хужжатларни тақдим этади:

– давлат субсидияси ажратиш талабгорлик буюртмаси юборилаётганлиги тўғрисидаги йўлланма мурожаат (кузатув) хати;

– ушбу Низом 3-иловасида тасдиқланган шаклда ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган буюртма лойихаси;

– охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан рўйхатга олинган, ҳар бир вароғи талабгор муҳри билан тасдиқланган устав (низом)нинг ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳакидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхалари;

– талабгорнинг муҳри билан тасдиқланган солиқ тўловчи сифатида давлат солиқ хизмати ҳамда статистика органларида ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги маълумотномаларининг кўчирма нусхалари;

– талабгорга банк муассасаси томонидан берилган банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотнома;

– давлат субсидияси доирасида лицензияланадиган фаолият турлари билан шуғуланишга тўғри келса, талабгорнинг муҳри билан тасдиқланган лицензиянинг кўчирма нусха;

– талабгорнинг тасдиқланган штат жадвалидан кўчирма нусха;

– талабгорнинг ўз маблағлари, ҳомийлик маблағлари ва бошқа манбалардан олиниши кутилаётган маблағлар ҳажми тўғрисида раҳбар ва бош ҳисобчи имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланган маълумотнома;

– давлат субсидияси ишлатилиши бўйича умумий даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда харажатлар сметасининг бандлари бўйича ёйилмаси.

Юборилаётган барча хужжатлар юқоридаги кетма-кетлиқда ва рўйхат асосида тикилиб, энг устки қисмига йўлланма мурожаат (кузатув) хати орқали тақдим этилади.

20. Куйидаги фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари ажратилмайди:

– тугатилаётган, тугатиш жараёни ниҳоясига етказилмаган ёки ташкил этиш жараёни тамомланмаган;

– давлат субсидияси ажратиш учун барча зарур хужжатларни белгиланган тартибда ва муддатда тақдим этмаган;

– илгари давлат гранти ҳисобига амалга оширган лойиҳалари бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондидан қарздорлиги мавжуд бўлган;

– ўз устав (низом)идаги мақсад ва вазифаларини хорижий давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг ва бошқа донорларнинг маблағлари ҳисобига амалга ошираётган;

– ушбу Низомда кўрсатилган талабларни бузган.

21. Ушбу Низом талабларига ва шартларига риоя қилмаган ҳолатларда топширилган хужжатлар кўриб чиқмасдан қолдирилади.

22. Талабгорга давлат субсидияси ажратилмаса унинг тақдим қилган хужжатлари қайтарилмайди.

V. Буюртманомаларни ва талабнома лойиҳаларни ҳисобга олиш ва ҳисботини юритиш

23. Олий Мажлис хузуридаги жамоат фондининг Ижро этувчи девони йилнинг 15 майигача талабгорларнинг келгуси молия йилида давлат субсидияси ажратиш тўғрисидаги буюртмаларини қабул қиласди. Мазкур муддатдан кейин буюртмалар қабул қилинмайди.

Давлат субсидияси ажратиш тўғрисидаги буюртмаларнинг ҳисоби ва ҳисботи Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди ижро этувчи девонида мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

24. Давлат субсидиясига талабгорларнинг буюртмалари 1-намуна шаклида Олий Мажлис хузуридаги жамоат фондининг Ижро этувчи девонида варақлари рақамланган ва тикилган маҳсус дафтарда рўйхатга олинади.

25. Олий Мажлис хузуридаги жамоат фондининг Ижро этувчи девони томонидан дафтарда рўйхатга олинган талабгорларнинг давлат субсидияси ажратиш тўғрисидаги буюртмаси Парламент комиссиясига рўйхатга олиш дафтарига имзо қўйдириш орқали топширилади. Рўйхатга олиш дафтори Олий Мажлис хузуридаги жамоат фондида сақланади.

26. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги жамоат фондининг Ижро этувчи девонида давлат субсидияси буюртмаларининг (аризаларининг), Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кесимида статистик ҳисоби ва ҳисботи юритилади.

VI. Буюртманомаларни кўриб чиқиши, саралаш ва танлаш, ижтимоий фойдали мақсадларини аниқлаш мезонлари

27. Фуқаролик жамияти институтларининг давлат субсидияси ажратиш тўғрисидаги буюртмалари Парламент комиссиясининг тегишли Ишчи гурӯҳи томонидан ошкора кўриб чиқилади, сараланади, танланади, уларнинг ижтимоий фойдали мақсадлари аниқланади.

Ишчи гурӯҳ тавсиялари бир марталик тусга эга бўлиб, уларнинг хулосалари Олий Мажлис хузуридаги жамоат фондига буюртмаларни молиялаштириш учун асос бўла олмайди.

28. Парламент комиссияси:

- талабгор юридик шахс мақомига эгалигини;
- ресурс базасининг мавжудлигини;
- йиллик иш режасидаги ижтимоий фойдали мақсаднинг аҳамияти, маълумотларнинг асослилиги ва ҳаққонийлигини;
- буюртма бюджетининг асослантирилганлиги, ҳаққонийлиги ва бошқа шу каби мезонлар тизими асосида кўриб чиқади.

29. Қайд этилган мезонлар асосида талабгор ўз буюртмасини мустакил баҳолаши ва унинг натижаларини тақдим этиши мумкин.

30. Парламент комиссияси ўз йиғилишларида давлат субсидияси буюртмаларини ўрганиб чиқиши якунлари ҳамда таклифларини эшитиб, муҳокама қиласди.

31. Давлат субсидиясини ажратиш Парламент комиссиясининг йиғилиш баённомаси билан расмийлаштирилади ва қарори билан тасдиқланади. Давлат субсидияси шаклида молиялаштириш учун Олий Мажлис хузуридаги жамоат фондининг Ижро этувчи девонига Парламент комиссиясининг қарори ижро учун юборилади. Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди Ижро этувчи девони қарор ижросини таъминлаши шарт.

32. Давлат субсидияси ажратиш учун фақатгина Парламент комиссиясининг давлат субсидияси шаклида молиялаштириш тўғрисидаги қарори ҳамда буюртма хуқукий асос бўлади.

ВII. Давлат субсидияси шаклида молиялаштириш, давлат субсидиясини амалга ошириш, натижалари ҳисоби ва ҳисботини юритиш

33. Парламент комиссияси, аъзоларнинг таклифи, тавсиялари ва эътиrozлари асосида буюртмаларни қўшимча тарзда ўрганиб чиқиши мумкин. Қўшимча ўрганиш юзасидан Парламент комиссияси ўз қарорини қабул қиласди ҳамда ўрганишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

34. Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди ижро этувчи девони Парламент комиссиясининг қарор нусхаси келиб тушган кундан эътиборан:

- З иш қунида давлат субсидияси олувчиларнинг рўйхатини Фонднинг расмий веб-сайтида жойлаштиради;

– 15 иш кунида давлат субсидияси маблағини ажратиш тұғрисидаги икки томонлама шартнома лойиҳасини тайёрлайди;

– давлат субсидияси ажратиш тұғрисидаги икки томонлама шартнома имзоланғандан кейин 10 иш кунида молиялаштиришни амалга оширади.

Давлат субсидияси маблағини ажратиш шартномасининг шакли ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ тасдиқланади.

35. Парламент комиссияси ва Олий Мажлис хузуридаги жамоат фондининг ваколатлари:

– давлат субсидияси амалга ошириш жараёнини бевосита ва билвосита усуллар билан мониторинг қилиб бориш;

– давлат субсидияси доирасидаги йиллик иш режани амалга ошириш жараёнида ўтказилган тадбирларнинг, бажарылған ишларнинг, күрсатылған хизматларнинг молиявий маблағлари манбаси сифатида Олий Мажлис хузуридаги Жамоат фонди ва Парламент комиссияси номиниң қайд этишни талаб қилиш;

– давлат субсидияси олувчи тугатилиш жараёнида бўлган ҳолатларда давлат субсидияси маблағларини қайтариб олиш чораларини кўриш;

– давлат субсидияси маблағлари ҳисобидан сотиб олинган товар-моддий бойликлар, жиҳозлар ва бошқа ускуналарнинг сақланишини текшириш ва инвентаризация қилиш;

– давлат субсидияси маблағлари ҳисобига сотиб олинган товар-моддий бойликлар ва жиҳозларга етказилиши мумкин бўлган ҳар қандай заарларни олдини олишга ҳамда уларнинг бус-бутун сақланишига қаратылған давлат субсидияси олувчининг мажбуриятини бажарилишини назорат қилиб бориш;

– давлат субсидияси доирасида амалга оширилган ишларни ва эришилган ютуқларни кенг тарғиб этиш;

– давлат субсидияси олувчининг учинчи шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети олдидаги мажбуриятлари ҳамда назарда тутилган фаолияти бўйича тегишли маҳсус рухсатнома (лицензия) олиши билан боғлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олмаслик;

– белгиланган давлат субсидияси маблағларидан ташқари ҳар қандай мақсадлар учун қўшимча қўллаб-қувватлаш мажбуриятини олмаслик;

– давлат субсидияси ишлатилишининг якуний ҳисботларига қўра, ишлатилмай қолган, ортиқча ёки мақсадсиз сарфланган деб топилған маблағларни қайтариб олиш чораларини кўриш.

36. Давлат субсидияси олувчи давлат субсидиясини амалга ошириш муддатини узайтириши мумкин эмас.

37. Амалга ошириш муддати тугаган давлат субсидияси ҳужжатлари варакланиб, тикилиб Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди архивига топширилади. Ҳужжатлар архивда 5 йил муддат сақланади.

“Давлат субсидияси ажратишнинг
тартиби ва шартлари тўғрисида”ги
Низомга 1-илова

Давлат субсидиясини ажратиш схемаси

I. Давлат субсидияси учун маблағларни шакллантириш ва тасдиқлаш

Фуқаролик жамияти институтларининг бирлашма ва уюшмалари устав фаолиятининг келгуси молия йилидаги устувор йўналишларини белгилайди ҳамда келгуси молия йили учун давлат субсидияси бериш тўғрисида жорий молия йилининг 1 июня қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис хузуридаги жамоат фондига ёзма буюртмалар юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Жамоат фонди талабномаларни ўрганиб, (15 июня қадар) Парламент комиссияси кўриб чиқиши учун киритади.

Парламент комиссияси давлат субсидияси ажратишнинг устувор йўналишлари, субсидиарларнинг девонлари харажатлари, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришиш бўйича режаларини умумлаштиради, ажратиладиган маблағлар ҳажмлари борасида бюджет сўровномасини шакллантиради ва 15 июля қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат субсидиялари ажратиш учун таклифлар юзасидан бюджет сўровномаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг киритиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасига тегишли маблағлар ҳажмини киритади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаётганда Парламент комиссиясининг давлат субсидияларига маблағлар ажратиш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқади «Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлар» алоҳида бандида маблағлар ҳажмларини тасдиқлади.

II. Давлат субсидияси тақсимлаш ва ажратиш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Жамоат фонди давлат субсидияларини тақсимлаш бўйича Парламент комиссиясига таклифлар тақдим этади (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан тасдиқланган кўрсаткичлар тўғрисида хабарнома олинганидан кейин 10 иш куни ичида)

Парламент комиссияси давлат субсидиялари маблағлари ҳажмини ташкилотлар кесимида тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Жамоат фонди давлат субсидиясини олган ташкилотлар рўйхатини, уларга ажратилган маблағларнинг миқдорларини оммавий ахборот воситаларида ёки фонд веб-сайтларида эълон қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Жамоат фонди Парламент комиссияси қарорлари асосида давлат субсидияларининг тасдиқланган график муддатларида (траншлар) орқали молиялаштиради.

Давлат субсидиясини олувчилик чораклик, ярим йиллик, йиллик-якуний таҳлилий ва молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Жамоат фондига топширади.

Хисоботларда камчиликлар аниқланса, аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин навбатдаги молиялаштириш траншлари очилади.

Давлат субсидиясими амалга ошириш Низомда белгиланган тартибда тегишли мониторинглар ўтказиб бўлингандан кейин яқунланган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда давлат архивига топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди давлат субсидияси фуқаролик жамияти институтларининг мазкур Низом талабларига риоя қилмаслик ҳолатларига ёки молиявий тартибсизликларга йўл қўйганда молиялаштириш тўхтатиб қўйилади.

“Давлат субсидияси ажратишнинг тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомга 2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги бошқарма бошлиги

(исми шарифи)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш Жамоат фондининг 20 йил учун даромад ва харажатлар сметаси (млн. сўмда)

№	Даромад ва харажатлар номлари	20__йилда жами	чораклар			
			I	II	III	IV
	Йил бошига қолдиқ					
ДАРОМАДЛАР						
	Жами даромадлар					
1	Давлат бюджетидан					
ХАРАЖАТЛАР						
	Жами харажатлар					
1	Давлат субсидиялари					
2	Ижтимоий буюртмалар					
3	Давлат грантлари					
	Йил якунига қолдиқ					

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
хузуридаги Жамоат фонди директори

Жамоат фонди бош ҳисобчиси

“Давлат субсидияси
ажратишнинг тартиби ва шартлари
тўғрисида”ги Низомга З-илова

(аризачининг логотипи бўлиши мумкин)

ДАВЛАТ СУБСИДИЯСИ АЖРАТИШ УЧУН

НИНГ

(нодавлат нотижорат ташкилоти, оммавий ахборот воситаси ва фукаролик жамияти бошқа институтининг номи) АРИЗА

(ТАЛАБНОМАСИ)си

1. ТИТУЛ ВАРОФИ

1.1. Ариза тақдим этган ташкилотнинг уставидаги номи

(Давлат рўйхатида ўtkазилган Устав ва rўйхатга олинганилиги тўғрисидаги гувоҳноманинг
кўчирма нусхаси илова қилинади) (Оммавий ахборот воситалари rўйхатдан ўтганлиги
тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасини илова қилинг)

1.2. Талабгор тўғрисида тўлиқ маълумот

(талаабгорнинг юридик ва ҳақиқий манзили, телефон, факс, сайт манзили)

Юридик манзили

Ҳақиқий манзили

Телефон

факс

Веб-сайт манзили

1.3. Ташкилот раҳбарининг Ф.И.Ш. ва лавозими ва алоқа боғланиш маълумотлари
(манзили, электрон почта e-mail манзили, телефон коди албатта кўрсатилиши лозим);

1.4. Ташкилот бухгалтерининг Ф.И.Ш. алоқа боғланиш маълумотлари

(манзили, электрон почта e-mail манзили, телефон коди албатта кўрсатилиши лозим);

1.5. Ташкилотнинг тасдиқланган штат жадвалидаги лавозимларининг умумий сони
(охирги тасдиқланган штат жадвали илова қилинади)

1.6. Сўралаётган умумий маблағ микдори (сўмда), шу жумладан: маъмурий харажатларнинг
умумий сўммаси, устав фаолияти ва иш режаси доирасида тадбирларга ажратилган
харажатларнинг умумий сўммаси, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш харажатларнинг
умумий сўммаси, бошқа харажатлар

Сўралаётган умумий маблағ микдори
(сўмда), шу жумладан:

Маъмурий харажатлар (девонларни сақлаш
харажатлари – ойлик иш ҳақи ва унга
тенглаштирилган тўловлар, коммунал
харажатлар, хизмат транспортларини
сарфлаш харажатлари)

Устав фаолияти ва иш режаси доирасида
тадбирлар харажатлари

Моддий-техник базани мустаҳкамлаш
харажатлари (сотиб олинадиган моддий
техник база харажатлар)

Бошқа кўзда тутилмаган харажатлар

1.7. Жалб қилинадиган маблағларнинг жами микдори (сўмда), шу жумладан:
аъзолик бадаллари микдори, таъсисчилар маблағлари, ҳомийлик маблағлари, тадбиркорликдан
ва боиқа манбалардан тушумлар

Жалб қилинадиган маблағларнинг жами

миқдори (сўмда)	
Аъзолик бадаллари миқдори	
Таъсисчилар маблағлари	
Хомийлик маблағлари	
Фаолиятнинг бошқа манбалардан тушумлар	

1.8. Ташкилот фаолиятининг ўтган йилдаги асосий натижা кўрсаткичлари, ютуқлари
(бир бетдан ошмаслиги керак)

2. СУБСИДИЯ СЎРАЛАЁТГАН ФАОЛИЯТНИНГ ҚИСҚАЧА ТАСНИФИ

2.1. Субсидия ажратиш зарурлигини асослаш: ташкилот фаолиятининг асосий вазифалари,
мақсадлари(бир бетдан ошмаслиги керак)

2.2. Ташкилот фаолиятининг кейинги молия йилида режалаштирилаётган кўрсаткичлари
(кўти билан 1,5 бетдан ошмаслиги керак)

2.3. Давлат субсидиясини амалга оширишдан кутилаётган ижтимоий фойдали мақсадлар,
моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши натижаларининг башорати, эришиладиган
ижтимоий самаранинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичлари ҳамда ижобий таъсири)
(кўти билан 1,5 бетдан ошмаслиги керак)

3. Ташкилотнинг охирги йил умумий бюджети, шу жумладан молиялаштиришнинг мавжуд жалб этиладиган манбалари ҳисобидан (сўм)

№	Молиялаштириш ва моддий кўмаклашиш моддалари	Давлат субсидияси	Жалб қилинган
	Жами маъмурий харажатлар, шу жумладан:		
	Ойлик иш хақи		
	Ижтимоий тўловлар		
	Хизмат сафари харажатлари		
	ижара, коммунал хизматлар тўлови,		
	девонхона харажатлари		
	Моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун харажатлар (хизмат машиналари, мебель ва АКТ сотиб олиш, сақлаш харажатлари)		
	Тадбирлар ўтказиш учун харажатлар (ўқув ишилаб чиқарии, тарзибот материалларни қўпайтириши ёки нашр қилиши)		
	Операцияга оид харажатлар (банк харажатлари)		
	Бошқа кўзда тутилмаган харажатлар		
	Жами харажатлар		
Йил охирiga қолдиқ:			

4. КАЛЕНДАРЬ РЕЖА		
№	Давлат субсидиясини ўзлаштириш учун амалга ошириш мўлжалланган тадбирлар	Вақт муддати
1.		
2.		
3.		
4.		
5.		
6.		
7.		
5. АРИЗАЧИНИНГ РЕЗЮМЕСИ (ташкilot ҳақида қўшимча маълумот)		
1.	Ташкilotning уставга мувофиқ тўлиқ номи (ўзб, рус тилида).	
2.	Ташкilotning юқори бошқарув органи	
3.	Ташкilotning асосий устав фаолияти.	
4.	Ташкilotning асосий устав мақсадлари ва вазифалари	
5.	Давлат рўйхатига олингандиги ҳақида маълумот (гувоҳноманинг кўчирма нусхасини илова қилинг.)	
6.	ОАВ сифатида рўйхатда турганлиги тўғрисида маълумот (Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасини илова қилинг)	
7.	Лойиҳани амалга оширишдаги ижтимоий шериклар	
8.	Банк реквизитлари: хисоб рақами №, банк бўлими, МФО, ИИН, ОКОНХ, банк манзили ва телефон рақами. (тасдиқловчи хужжастларнинг кўчирма нусхасини илова қилинг)	
9.	Амалга оширилган лойиҳалар.	
6. ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ЎЗ-ЎЗИГА БАҲО БЕРИШ (ЎЗ-ЎЗИНИ АУДИТ)		
1.	Лойиҳани амалга оширгунига қадар баҳолаш	
2.	Лойиҳа қўйилган мақсадга эриша оладими	
3.	Лойиҳанинг самарали ва харажатларнинг асосли эканлигини исботланг	
7. ЛОЙИҲАНИНГ ЯКУНИЙ ҚИСМИ		
Сана		
Ариза берган ташкilot раҳбарининг имзоси		
Ташкilot мухри		

“Давлат субсидияси ажратиши
тартиби ва шартлари түғрисида”ги
Низомга 4-илова

**Давлат субсидиясими амалга ошириш бүйича
() чораклик, ярим йиллик, йиллик-якуний
тахлилий ва молиявий ҳисобот шакли**

1.	Ташкилот номи	
2.	Шартнома рақами	
3.	Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакли	
4.	Ажратилган маблағ микдори (сўмда)	
5.	Ҳисобот даври	

I. Лойиҳани амалга ошириш натижалари

6.	Давлат субсидияси доирасида ишлаб чиқилган тайёрланган материаллар (номоддий интеллектуал мулк) ва уларни реализация қилиниши	
7.	Ўтказилган тадбирлар сони ва улардан кўзланган мақсад ҳамда вазифалар (<i>тадбирларнинг тури: давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар, мусобақалар, форумлар, ақлий ҳужум ва бошқалар ҳар бири алоҳида</i>)	
8.	Моддий техник базани мустаҳкамлаш амалга оширилган ишлар	
9.	Амалга оширишда юзага келган муаммолар	
10.	Ташкилотнинг молиявий барқарорлиги	
11.	Сизнинг таклифларингиз	

II. Давлат субсидияси маблағлари харажатлари

№	Лойиҳа бюджети харажатлари бандларининг номи	Фонддан олинган маблағ	Жалб қилинган маблағлар	Жами харажатлар
---	---	------------------------------	-------------------------------	--------------------

I. Маъмурий харажатлар

II. Тадбирлар ўтказили учун харажатлар

III. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун харажатлар

IV. Бошқа кўзда туттилмаган харажатлар

--	--	--	--	--

Жами:			
Йил (чорак, ярим йил) якунида ишлатилмай қолган маблағ миқдори (сўмда)			

Ташкилот раҳбари:

Тошкилот бош ҳисобчиси:

Ташкилот муҳри:

Изоҳ: Давлат субсидияси якунланиш муддатидан кейин ишлатилмай қолган маблағ 30 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Жамоат фондининг № 20212000504729463001 ҳисоб рақамига қайтарилади.